Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 52 (7. 141) ◎ 1990 йил 3 март, шанба ◎ Баҳоси 3 тийин

САЙЛОВЧИЛАРГА

Ҳурматли сайловчи ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга биноан 4 март, якшанба куни икки нафардан кўпроқ халқ депутатлигига номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган сайлов округларида такрорий сайлов бўлади. Такрорий сайловда бюллетенларга икки халқ депутатлигига номзод ёзилади. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан кўпроқ овозини олган халқ депутатлигига номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий сайлов ўтказилган кунда шуни назарда тутиш керакки, сайлов бюллетенлари овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш бўлмаси ёки хонасида тўлдирилади, овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзоднинг фамилиясини ўчириб бюллетенда бир кишини қолдириши керак. Ана шу талабга риоя этилмаса, бюллетень бекор қилинади ва сайлов натижалари аниқланаётганида ушбу бюллетень ҳисобдан чиқариб ташланади. Агар бюллетенда депутатликка иккала номзод фамилияси ўчирилган бўлса, бундай бюллетень ҳақиқий деб ҳисобланади, айни вақтда шуни назарда тутиш керакки, сайловчи ҳар бир номзодга қарши овоз берган бўлади. Сайловчилар бюллетенга қўшимча тарзда ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари юзасидан овозлар ҳисобга олинмайди.

Тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари барча сайловчиларга мурожаат қилиб, такрор сайловда фаол қатнашишни, ўзларининг гражданлик ва ижтимоий бурчини адо этишни илтимос қилади.

Янгиликлар — Воқеалар — Хушхабарлар

Учинчи қисми қуриляпти

◎ БУГУН Полторацкий кўчасида 3-уйсозлик комбинати қурувчилари 63 хонадонга мўлжалланган 16 қаватли турар жой биносининг иккинчи қисмини фойдаланишга топширдилар.

— Бу ерда ҳаммаси бўлиб бир ярим миллион сўмликка яқин қурилиш ишлари бажарилади — дейди участка бошлиғи Қодир Нишонов.

Айни шу кунларда уйсозлик комбинатининг Эркин Раҳмонов бошлиқ бригада қурувчилари турар-жой биносининг учинчи қисмида иш олиб бормоқдалар.

О. АЗИЗОВ.

Дидга мос либослар

◎ АКМАЛ Икромов районидаги «Гулноз» ателъесининг илғор бичувчи ва тикувчилари Холида Ғофурова, Ёқутхон Юнусова, Холида Юсупова ҳамда Латофат Турсуновалар ўзларининг доимий буюртмачиларига эга бўлишиб, уларнинг кўнглига мос кийимларни тикишяпти.

Айниқса Холида Ғафуровадан буюртмачилар ниҳоятда мамнунлар. 15 йилдан буён тикувчилик қилиб келаётган бу ишчи ойлик топшириқларини ортиғи билан бажариб келяпти. Ютуқларнинг асосий сабаби, уларнинг ўз касби сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирганлигидир. Тикувчиликни ўрганишда уларга Солижон Умаров яқиндан ёрдам берди. Ҳозир эса Холида опанинг ўзи шогирдлари бор.

М. ВАЛИЕВА.

Давлат тилини ўрганишяпти

◎ ҲАМЗА районидаги 34-билим юрти ўқитувчилар жамоаси ўзбек тилини ривожлантириш мақсадида кўшина ишларни амалга оширмоқда. Шу боисдан ҳам олти кишидан иборат комиссия тузилиб ишга тушди. Ҳозир ўзбек тилини ўзлаштириш учун лингафон кабинети очилмоқда. Йигирма битта талабага мўлжалланган бу кабинетда икки кассетали «Ял—20» аппарати ўрнатилди.

— Билим юртимизда ҳамма талабалар қатори бу ишга педагогларимиз ҳам жалб этилган. Шунинг учун ҳам Н. Киссен ва Ш. Раҳматуллаев томонидан ёзилган «Катталар учун ўзбек тили»ни мустақил ўрганиш китобидан 100 дона сотиб олмоқчимиз, дейди билим юрти директори В. Фомичев. Шунингдек билим юртида ўзбек тилига оид шиорлар ҳам тайёрланмоқда.

О. ОДИЛОВ.

Ўйингоҳда — тўқимачилар

◎ ТЎҚИМАЧИЛАР ўйингоҳида «Балли, йигитлар» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда комбинат фабрикаларининг тўртта командаси иштирок этди. Ҳар бир командадан олтитадан йигит қатнашди. 45 очко тўпланган йигирув-тўқув фабрикасининг йигитлари биринчи, 35 очко тўпланган пардозловчилар фабрикаси иккинчи, 22,5 очко тўпланган 1-йигирув фабрикаси учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

О. ЮСУПОВ.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

ТАРТИБОТ ЎЗГАРТИРИЛИШИ ЗАРУР

◎ «Тошкент оқшоми» газетасининг «Партияни янгилаш» янги рубрикаси КПСС XXVIII съезди олдидан айни муддао бўлибди. Анча муаммолар зора ҳал бўлиб қолса, деган умидда ўзимни ўйлантираётган муаммолар, баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

ҚАЙТА қуриш бутун жамиятимизда бўлганидек, партияда ҳам жуда қийинчилик билан кечмоқда. Бу қийинчиликлар нимадан иборат ва уларнинг манбаи қаерда? деган савол ҳар қадамда кўтарилмоқда. Менимча, энг асосийси — ишимизни ташкил қила билишдир. Биз унга ҳар бир совет фуқаросида, раҳбар ходимларда, ташкилотларда, партия, совет, хўжалик, касаба уюшма, комсомол аппаратларида дуч келмоқдамиз. Бюрократизм ва маҳкамабозлик, жонли ва аниқ раҳбарлик ўрнига сафсатабозлик, шахсий жавобгарлик, ижрони текширишда тартибнинг йўқлиги, эгасизлик ва иш ҳақи тайинлашда бир текислик бунинг далилидир.

Шу сабабли партияни янгилаш масаласи зарурат бўлиб турибди. Янгиланганда ҳам демократик усулда, партия ташкилотларининг манфаати йўлида янгилаш даркор. Албатта, бу масала партиянинг ҳозирги мавжуд молиявий системасини ислоҳ қилгандагина амалга ошади, деб ўйлайман. Шу вақтгача партия бадаллари ҳақидаги мақолани шахсан мен эслай олмайман. Бу ҳақда оғиз ҳам очилмас эди. Энди ошкоралик, қайта қуриш туфайли ана шу маблағларнинг сарфи ҳақидаги ҳақиқатни айтиш вақти келди. Партия молиявий ишларининг ўта марказлашганлигини демократик централизм билан оқлаб бўлмайди. Ҳар бир йирик партия ташкилоти ўз хўжалигини ўзи бошқаргани маъқул. Бунинг учун мавжуд молиявий тартиботдан воз кечиб, кўпроқ қуйи партия бўғинларига эркинлик берилиши керак. Партия ташкилотларини доим юқори органлардан ўз эҳтиёжлари учун ўз маблағларини талаб олиши унинг обрўсини баттар тушириб юбориши мумкин.

Мен Ленин райони партия комитетида юритилаётган ишдан ниҳоятда ҳайратландим. Партия бадалларининг йиллик миқдори 1,2 миллион сўмни ташкил этиб турган бир пайтда, район партия комитети эҳтиёжлари учун «чақача»лик пул ажратилиши жуда ажабланарли. Бу ҳолат ҳамма районда ҳам бўлса керак деб ўйлайман. Албатта, бундай ҳолатда партия ходими чўнтаги бўш, қуруқ ваъзхонга айланиб қолади. Мен партиянинг янгиланган қиёфаси молиявий муносабатларнинг мавжуд тартиботига асосланиши мумкин эмас, деган фикрга мутлақо қўшиламан. Албатта, райком ихтиёридаги маблағларни данғиллама кошоналар, хизмат машиналари ва бошқаларга эмас, аввало партия ташкилотларининг обрўсини тиклашга, ташвиқот ишларини кучайтиришга ва қисман ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтириш керак. Менимча, 70 фоиз бадални райком ихтиёрида қолдириш керак. Қолган 30 фоизини эса юқори партия органлари сарф-харажатлари учун ажратиш лозим. Лекин партия маблағларининг манбаи фақатгина аъзолик бадаллари бўлиб келганлиги шу пайтгача анча имкониятлардан маҳрум бўлиб қолган деб ҳисоблайман. Хўш, нима учун ҳар бир райком, обком биносида жойлашган хушбичим залларни ижарага бериш мумкин эмас. Айни шундай ижтимоий объектлар етишмай турган бир пайтда бу айни муддао бўлиб, партиянинг маблағи ошган бўлар эди. Асосий ғоявий-сиёсий ташвиқотлар ҳам қаттиқ назорат остида бўлар эди. Бизда аксинча, райком олди ҳувиллаб туради.

Партия комитетларининг органи бўлган газеталардан ҳам партия ташкилоти манфаатдор бўлиши керак, деган масала тўғри кўтарилган. Ҳозирги аҳвол шуни эслатадики, газета ва партия гўёки алоҳида-алоҳида мустақил хўжалик. Жумҳурият, вилоят, шаҳар, район газеталари партия комитетлари билан молиявий алоқаси бўлмаслигига шу вақтгача қандай тоқат қилиб келинди? Газетанинг сифати, обрўси, мухбирларнинг турмуш аҳволи, келтираётган даромади пировардида партия обрўсига, маблағига таъсир этиши керак. Акс ҳолда партияда ҳам, газетада ҳам мақсадларнинг муштараклиги барбод бўлади. Умуман, фойда келтираётган газеталар ўз ҳисобларига эга бўлиб, маблағларни сарфлашни ўзлари бошқаришлари лозим. Партия органлари бўлмиш газеталар эса фойдаларидан бир қисмини шу органларга ўтказишлари даркор.

Яна бир масалага эътиборни қаратиш керак. Маълумки, жумҳуриятимиздаги кўпгина маориф даргоҳлари чорноҳор аҳволда. Болалар боғчаси етишмайди. Тирик етимлар сони борган сари кўпайиб, замонамизнинг иллатларидан бири бўлиб қолди. Устига-устак тиббиёт оғир аҳволда. Аксарият кекса большевикларнинг қарилик нафақаси яшашга аранг етяпти. Бу нарсалар қуйи партия ташкилотлари учун кундалик ҳақиқатдир. Шу ўринда партия маблағларининг бир қисмини ана шу юқорида кўрсатилган ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирса айни муддао бўларди.

Партия штатларини кўпайтириш масаласига эса қўшилмайман. Биз аппаратчилар сонини иложи борича қисқартиришга ҳаракат қилаётган бир пайтда жойларда асосий ишдан озод партия котибларининг пайдо бўлиши тушунарли бўлмайди.

«Оқшом» редакцияси ушбу мавзуни жуда ўз вақтида кўтарди. Гарчанд ундаги асосий фикрлар кишилар юрагида аллақачон яшириниб юрган бўлса ҳам ошкора айтилмас эди. Мақолада тилга олинган муаммолар коммунистлар, етакчи иқтисодчи олимлар, ҳар бир соҳа мутахассислари ўртасида муҳокама қилиниши лозим.

Бахтиёр КАРИМОВ.
Тошкентдаги 138-мактаб ўқитувчиси.



УЙ ҲУСНИНИ ОЧАЁТГАНЛАР

Суратли репортаж





ПАРДОЗЛОВЧИЛАР бутун умрини олийжаноб касбга бахшида этган фидоий кишилардир. Юксак дид, қалб қўри ва ўткир фаросат билан сайқал топган хоналар кўчиб келувчиларга қанчалик ҳузур-ҳаловат бағишлашини улар яхши билишади.

Янги уй кўрки биринчи навбатда пардози билан ажралиб туради. Унга не-не орзу-умидлар билан қадам қўйган онла аъзоларининг кўзи дастлаб девор сайқалига, эшик ва ойналаридаги ҳали носи димоққа урилиб турган бўёқларга, оёқ остида ойнадек ярқираб турган паркетларга тушади. Шунда у бенхтиёр шундай шинам ва бежирим уйни қуриб берган қурувчилар ва пардозловчилар меҳнатига тасаннолар айтади, «Отангга балли» дея чин дилдан алқайди. Борди-ю... Келинг, яхшиси бир гал мана шу борди-ю, сўзини тнлга олмай қўя қолайлнк. Шу сўз билан ушбу суратларда ўз ишларидан мамнун кайфиятда бизга термулиб турган сайқалчиларнинг чеҳрасига соя ташламайлик.

Суратли репортажимиз қаҳрамонларидан бири Рустамжон Эргашев узоқ йиллардан бери ўз касбини эъзозлаб келаётган қурувчилардан бири. У ўрта мактабни тугатиб тўғри қурилишга йўл олган. Барча «имтиҳон»ларни шу ерда мутахассислар ҳукмига ҳавола этиб уларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Ўша-ўша барча юмушларни аъло даражада бажаради. «Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинатига қарашли 2-пардозлаш ишлари бошқармаси томонидан йиллар давомида унга берилган қатор ёрлиқлар фикримизнинг ёркин исботидир.

— Бугун биз яна бир бинони ҳамшаҳарларимизга туҳфа этаётганимиздан бахтиёрмиз. У шаҳримизнинг генерал Узоқов кўчасида қад кўтарди. 135 онлага мўлжалланган бу тўққиз қаватли бино барча қулайликларга эга, — дейди Рустам Эргашев.

Пардозловчилар — Наташа Ким, Соння Шокирова, Екатерина Герасимовалар ҳам ўз касбининг усталари. Улар қўлида сайқал топган хоналар ҳамиша сифатлилиги билан ажралиб туради.

Бригада аъзоларининг яна бир ибратли томони шундаки, улар турли миллат вакилларидан ташкил топишган. Жамоада рус, ўзбек, белорус, корейс, қозоқ миллатига мансуб бўлган кишилар ишлашади.

— Ҳозирги миллатлараро муносабатлар таранглашиб турган даврда бригадамиз аъзоларининг аҳил ва иноқлиги дилларимизни қувонтиради. Чунки, ҳар қандай олий мақсад ва орзу-ниятга фақат биргаликда ишлаш ва ҳаракат қилиш билан эришиш мумкинлигини биз жуда яхши биламиз, — дейишмоқда улар.

М. КОМИЛЖОНОВ.
Сураткаш Ҳ. Солиҳов.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ИСТИҚБОЛЛИ УСУЛ

◎ «УЧҚУН» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бадиий гул босиш фабрикаси хўжалик ҳисобига ўтганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бу янги усул ўз самарасини бера бошлади. Аввало, ишчиларнинг маошлари ошди. Эндиликда корхона хўжалик ҳисоби шу жиҳатдан фойдали бўляптики, ишчилар унинг истиқболли усул эканига ишона бошладилар. Бу ишонч орта борган сайин корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва салмоғи ҳам ошмоқда.

Фабрика асосан аёлларнинг рўмоллари ва тўқимачилик-атторлик буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда турли хил матолардан аёлларнинг етти хил турдаги гулли рўмоллари ишлаб чиқарилади. Корхона ўтган йили 5 миллион 300 минг дона рўмол ва 160 миллион метр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарди, яъни буни 16 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот дейиш мумкин. Бу эса планда белгиланган дан 180 минг сўмлик кўпдир.

Бирлашманинг фабрикаларида сўнгги йилларда маҳсулотнинг сифати кескин яхшиланди. Бу ижобий ўзгариш ҳам моддий манфаатдорликни жорий қилиш, яъни тўла хўжалик ҳисобини тадбиқ этиш самарасидир. Корхона маҳсулотлари, айниқса аёллар рўмоли жуда харидоргир бўлиб кетди. Бу маҳсулотнинг баъзи турларини магазинларда учратиш анча қийин бўлиб қолди. Фабрика маъмурияти савдо ташкилотларининг талабини ҳисобга олиб ўтган йилда харидорбоп маҳсулотлардан 3,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, жумладан бу йил ҳам аёлларнинг рўмолидан ўтган йилдагидан 100 минг сўмлик кўп ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Коллектив маҳсулотларнинг янги-янги турларини яратиш устида ҳам изланмоқда. «Янгилик» белгиси билан корхонада 1 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса корхонанинг харидорлар талабини ўртанаётганлигидан дарак беради.

Кейинги йилларда инсон омилига алоҳида эътибор берилмоқда. Ишчилар учун дам олиш хоналари ташкил этилди. Фабрика касаба уюшмаси ва корхона маъмурияти ишчиларни бепул нонушта билан таъминлашга ўтди. Меҳнат ветеранлари ва касб касалликлари билан оғриганларга ҳам эътибор ошди. Уларни дам олиш уйларига ва санаторийларга юбориш маълум даражада қўпайди. Корхона меҳнат аҳли замонавий жиҳозларга эга бўлган медицина пунктига ҳам эга бўлди.

— Ишимиз хўжалик ҳисобига ўтгандан бери юришиб кетди, — деди фабрика директори Баҳром Исажонов. — Келажакда режаларимиз кўп. Шулардан бири — кейинги беш йилликда қуриш вазда қилинаётган кўп қаватли бинодир. Агар бу бино ўз вақтида қурилса, нур устига нур бўларди. Чунки эскириб қолган линияларимизни янгисига алмаштирган бўлардик. Бу ўз навбатида янада яхши ишлашимизга, маҳсулотлар турларини кўпайтиришимизга ва магазинлар пештахталарини харидорбоп моллар билан тўлдиришимизга имкон берарди.

Ҳ. КАРИМОВ.

ЎЗГАРИШЛАР БЎЛИШИГА УМИД БОҒЛАБ

ТАСС мухбири М. С. Горбачевга мурожаат қилиб, СССР Олий Советининг 1 март куни бўлган мажлисини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

М. С. Горбачев бундай деди: «Кавказорти регионидаги вазиятга бағишланиб иккинчи мажлис бўлиб ўтди. Мажлис ёпиқ бўлганлигини ҳисобга олиб фақат шуни айтишим мумкинки, депутатлар бу ерда юзага келган мураккаб муаммоларни жонкуярлик билан кўриб чиқдилар, одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган фожиали воқеалар ҳақида ачиниб гапирдилар. Фурсатдан фойдаланиб, қариндош-уруғлари ва ёр-дўстлари ҳалок бўлган, ўша январь кунлари бошига офат ва кулфат тушган барча қишиларга яна бир карра ҳамдардлик изҳор этмоқчиман.

Муҳокама чоғида ҳиссиёт ва эҳтиросларнинг жўш уриб кетиб баъзи гаплар ҳам айтилди, албатта, лекин депутатлар билдирган фикрларда келажакни ўйлаб иш тутиш кайфияти, озарбайжон ва арманларга бир-бирингизга пешвоз чиқинг, деб айтилган истаклар устун бўлди. Назаримда бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Биз худди ана шу руҳда ишни давом эттириш ва кейинчалик мажлислардан бирида шу масала хусусида қарор қабул қилишга келишиб олдик.

Шунга астойдил умидворманки, совет кишиларининг ҳис-туйғуларини ифода этаётган СССР Олий Совети, халқ депутатларининг кучғайрати Озарбайжон ва Арманистон халқлари ақл-идроки ва қўнглида, акс-садо беради. Тез орада яхшилик сари ўзгаришлар бўлади, деб ишонгимиз келади».

БИЛДИРИШ

Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси 1990 йил 6 март куни соат 10.00 да Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлислар залида очилишини маълум қиламиз.

Совет партия группасининг мажлиси ўша ерда 1990 йил 5 март куни соат 15.00 да бўлади.

Депутатлар ўша ернинг ўзида соат 9.00 дан рўйхатга олинадилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ

«Тошкент оқшоми»да эълон қилинган округ сайлов комиссияларининг ахборотларида округ сайлов комиссиялари ва район Советлари ижроия комитетларининг айби билан хатога йўл қўйилган.

1990 йилнинг 18 февраль куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайланганлар рўйхатидаги («Тошкент оқшоми»нинг 1990 йил 27 февралдаги 48-сони) эълон қилинган жумла: «Темуров Шукур — Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг доценти, А. Тожиев номидаги маҳалла комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 25-сайлов округидан», деб ўқилсин.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг «Тошкент оқшоми»нинг 1990 йил 28 февралдаги 49-сонида эълон қилинган ахборотидаги жумла: «39-Янги турмуш сайлов округидан

Аъзамхўжаев Алишер Анварович — «Миконд» заводи партия комитетининг секретари.

Муҳитдинов Нуриддин Акрамович — Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти президиумининг раиси», деб ўқилсин.

«НАВРЎЗ»НИ КИМ ЯХШИ БАЙРАМ ҚИЛАДИ?

Касаба уюшмаларн Тошкент область кенгашн президиумн ва область хотнн-қизлар кенгашн шу йнл 21 мартдагн «Наврўз» байрамнга энг яхшн тайёргарлнк кўрнб, ўтказнлншн учун область кўргнн ҳақнда қўшма қарор қабул қнлдилар.

Мнллнй ўз-ўзлнгнни англаш ўсмб бораётган шароптда хайрлн халқ анъаналарнннг қайта тнклапншн алоҳнда аҳамнят касб этадн, деб таъкндланадн қарорда. «Наврўз» байрамн ана шундай анъаналардан бнрнднр. Унннг асоснда деҳқон меҳнатнга чуқур ҳурмат, табнатнн эъзозлаш, барча тнрнк мавжудотларга ннсбатан меҳр-шафқат ва эзгулнк, тннчлнк ва яхшн қўшнпчплнкка ннтплнш ётадн.

Кўрнк аҳолнннпг байналмплал тарбняснпн такомплlaштнрнш, меҳнаткашларнннг олнй ва ўрта махсус ўқув муассасаларн ўқувчпларн ва талабаларнннг меҳнат ва нжтнмой фаоллнгнпн ошнрнш мақсадпда ўтказплмоқда.

Касаба уюшмаларнннпг шаҳар ва район кенгашларн, йнрнк корхоналарнннг касаба уюшмасн комптетн ва хотнн-қнзлар кенгашларнннпг рансларн тавснясн бнлан кўрнкнннг энг фаол ташкплотчплярн хорпжнй сафарларга саёҳат йўлланмаларн, ВЦСПС Марказнй Комптетнннпг «Ҳаваскорлнк санъатндагн ютуқларн учун» нншонларн, касаба уюшмаларн область кенгашн ва область хотнн-қнзлар кенгашнннпг фахрнй ёрлнқларн бнлан мукофотланадплар.

Касаба уюшмаларн область кенгашнннпг матбуот марказн.

Анъаналар—халқ мулки

АЛВОН-АЛВОН ОЧИЛГАЙ ГУЛЛАР

АСРГА тенгдош Раҳмонжон ота кетмон чарҳлаётган неварасининг ҳаракатларини кузатар экан, олисдаги далаларга меҳр билан тикилади...

Теварак-атрофда уйғониш. Ўлкамизга баҳор келиши билан табиат яна жонланмоқда. Наврўз арафасида ҳар бир киши, у хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, ўзида илиқ туйғулар ҳис қилади, вужуди тетиклашади.

...«Баҳор вальси» энди яратилган пайт. Мактабда ҳаваскор қизлар машқ қилишаяпти:

«Баҳор келса алвон-алвон, очилгай гуллар...»

Қўшиқ ҳали саҳна юзини кўрмасдан барча ўқувчилар ансамбль аъзолари атрофини ўраб олишгани ёдимда. Ҳозир эса «Наврўз» айёмига бағишланган санъат байрамлари ўтказиш анъанага айланиб қолган. Ана шундай тадбир С. Раҳимов районида ҳам ташкил этилди. Кўрик конкурсларга келган мактаб ўқувчилари баҳор, Наврўз, дўстлик ҳақидаги қўшиқларни ижро этишди. Ғолиблар шаҳар ва республика санъат байрамларида яна маҳорат кўрсатадилар.

Баҳор таровати, Наврўз нашидаси тилларда, дилларда мадҳ этилмоқда.

Шуҳрат САЪДУЛЛАЕВ.

⊙ **СУРАТЛАРДА: кўрик-конкурсдан лавҳалар.**

Х. Мирзакаримов суратлари.







ШАНБА ОҚШОМИДА

Турмуш чорраҳаларида

ОҚИБАТ

ФЕРУЗА қабристонга қизи Муҳаббатни ҳам етаклаб келди. Қабр тошлари орасидан ўтиб боришаётганда қизча қўлидаги чинни гулларни бағрига янада маҳкамроқ босди. У бу ерга келганларининг сабабини тушунмас, унсиз йиғлаётган онасига жовдираганча тикилиб қўярди.

«Сени абадий юрагимда сақлайман». Феруза мармарда акс эттирилган бу юрак сўзларига яна бир марта кўз югуртирди. Назарида Рустамнинг суратига жон киргандай бўлди. Қош-кўзлари, кулиб туришлари, зимдан қарашлари худди аввалгидай, фақат ғамгинроқ.

«Салом, Рустамжон ака! Мана қизингиз билан ҳузурингизга келдим. Вақтнинг тез ўтаётганини қаранг. Ўшанда... ишдан барвақтроқ қайтган эдингиз. Мен бўлажак фарзандимиз учун кўйлакча тикиб ўтиргандим, яширишга улгуролмадим. Қувончдан юз-кўзларингиз ёришиб кетганлигини асло унутмайман. Кейин эса... Оғир хасталик билан касалхонада ётдингиз. Шифокорлар ҳаётингизни сақлаб қолмасликларини айтишганда, чидаб туролмадим, ўксиб-ўксиб йиғладим, илтижолар қилдим... Мана, орадан етти йил ўтди. Сизни бир дақиқа ҳам унутганим йўқ. Ўртамиздаги севги, бахтли онлардан ёдгорлик, мерос бўлиб ёлғиз қизингиз Муҳаббат қолди, холос...»

Муҳаббат ғалати аҳволга тушган, онасига, бир мармардаги суратга тикиларди. Ахир эсини танибдики «Адам қачон қеладилар», дея онасига тинчлик бермасди. Феруза бўлса ҳар доим уй тўридаги суратни қўлига олиб, кўзига суртар, сўнгра маъюсгина «Яқинда келадилар», деб жавоб қайтарарди. Отаси бўлса... У қабр устига анвойи гулларни қўя туриб, шашқатор оқаётган кўз ёшларини тўхтатиб қололмади.

Рустам қисқа умри давомида бирор қаҳрамонлик кўрсатмаган. Касби ҳам оддий — шофёр эди. Аммо инсон қадр-қиммати биргина қилган ишлари билан ўлчанмас экан. Рустам хулқ-атвори, меҳнатсеварлиги, ён-атрофдагиларга ғамхўрлиги билан умр йўлдоши, дўстлари қалбида ўчмас из қолдирди. Бошқалар каби унинг ҳам ҳаётдан умиди катта эди. Бироқ аёвсиз тақдир йигирма ёшида отасидан, сал кейинроқ эса онасидан жудо этди. Лекин қариндош-уруғлар, ёр-дўстлари оғир кунларда уни ёлғиз қолдиришмади. Бу орада Рустам армия сафида хизмат қилиб келди. Кейин Феруза билан тўйлари бўлди...

Биз ҳар доим садоқат туйғуларини улуғлаб, бевафолик ва хиёнатни қоралаймиз. Умр йўлдоши йўлига илҳақ оналарнинг кўз ёшларини кўрганда, ҳаяжондан вужудингиз титраб кетади. Улар аввало фарзандлари тақдирини ўйлайдилар. Бегона кишининг қўлига қарам бўлмасин, кейинчалик кўнгли ўксимасин дейишади. Шу туфайли бева ўтиш ҳар қандай синовдан устун келади. Ферузанинг Рустамга бўлган садоқати-чи?! Умр йўлдоши бўлатуриб хиёнат кўчасига кирганлар, вафо ҳақида оғиздагина сўз юритувчилар иффатни шулардан ўрганишса арзийди.

Мақолага сўнгги нуқта қўйишга ҳали эрта. Уни ҳаётнинг ўзи қўйиб беради. Негаки,Ферузанинг уйида бошланган уй-жой жанжали ҳали тугамаган. Олдиндан бирор ўкум чиқариш қийин. Фақат бир нарса аниқ: ота юзини кўрмаган, кунига унинг суратига жовдираб тикиладиган Муҳаббатнинг ҳаққи-ҳурмати, уй можаросини бошлаган Рустамнинг синглиси — Дилдора вақти келиб ўз қилмишининг нотўғри эканлигига тушунади. Одамийлик, меҳр-оқибатни ҳар қандай бойлик эвазига ҳам топиб бўлмайди-ку, ахир!

Раҳимжон ШОДИЕВ.

Пазанда маслаҳати

СУМАЛАКНИНГ ШИФОСИ

⊙ **Ҳурматли редакция! Наврўз байрамига анъана бўйича сумалак тайёрланади. Айтингчи, у шифобахш хусусиятга эгами?**

Латофат Носирова, Муҳаббат Абдуқодирова, ишчилар.

СУМАЛАК таомининг келиб чиқиши ибтидоий йиғим-теримчиликдан деҳқончиликка ўтиш даврларига бориб тақалади. Баъзи тахминларга кўра, сумалак бундан тахминан 3000 йил илгари Ўрта Осиё аҳолиси ўртасида пайдо бўлиб, баҳорги экин-тикин бошланадиган пайтда, меҳнат байрами ва Наврўзни кутиб олиш билан боғлиқ дейилади. Буниси тўғри, негаки эқиладиган донни кўкарадими-йўқми, деган маънода намлаб бўрттириб, сўнгра ўстириб кўришган, унса экин экишни бошлаб юборишган.

Таажжубликни шундаки, буғдойнинг аччиқ майсасидан тайёрланган бу таом нега ҳолвойтардек ширин бўлади? Агар масалага бир қадар илмий ёндошсак, бунинг ҳам фарқига етишимиз мумкин. Ботаника фанининг бобокалони К. А. Тимирязев айтганидек, ўсимлик ичидаги ҳар бир ҳужайрани ғоят кичик бир лабораторияга қиёс қилгулик. Ҳар қандай ўсимлик ҳосил қиладиган қуюқ, суюқ, қаттиқ, юмшоқ, аччиқ, ширин, нордон, мазали, бадҳўр, хушбўй, сассиқ, сершув, қуруқ, хулласи ниҳоятда кўп хилдаги модда бўлади ана шу «ҳужайра лабораториясида» ишлаб чиқарилади. Бундай моддалардан бири—умумий номи корбонсув деб аталадиги ширинликлардир (фруктоза, сахароза, глюкоза, крахмал, (клетчатка ва ҳоказо). Корбон суви номи билан аталишининг боиси, унинг таркибида хидроген билан оксигеннинг худди сувда бўлган нисбати бор. Ана энди буғдойнинг ичи тўла крахмал, сирти эса клетчатка-дан тузилгани маълум бўлди.

Хўш, энди бу қандай қилиб ширин бўлиб қолди? Кимёгарга шу савол билан мурожаат этсак, у оддий ва ҳайратда қоларли жавоб беради:

— Сульфат кислотаси ҳашак-хушакка таъсир этилса, уни ширали қилиши мўмкин, — дейди у.

Хўш, бунинг сумалакка қанақа алоқаси бор? Бу саволимизга энди биолог жавоб беради:

— Сумалак тайёрлаш учун ивитилган буғдойда ўсимта униб чиқиш жараёнида диастаза ҳосил бўлади. Яъни, бу дон таркибидаги крахмалга худди хашак-хушак таркибидаги клетчатка моддасига сулфат кислотаси таъсирига ўхшаш таъсир этади.

Диастазанинг ўзи нима? Бу саволнинг жавобини биохимикдан эшитинг:

— Диастаза — ферментдир. Фермент шундай модда бўладики, унинг озгина миқдордагисининг кўп миқдордаги моддага таъсири натижасида биокимёвий ўзгаришлар қилиб юборишга кучи етади.

Яъни, диастазанинг бир улуши буғдой таркибидаги крахмал билан клетчатканинг минг улушини ҳам ширадор қилиб юборади. Албатта, бундай жараён содир бўлиши учун ҳаво ҳароратининг иссиқ-совуқлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу жараён мўътадил ҳароратда нормал амалга ошади. Сўнгра диастаза ҳосил бўлиши учун муайян технологик усул қўлланилади, чунончи буғдой 2—3 кун сувга ивитилади, у бўртиб тириклик нишонасини кўрсатгач, тахта устига ёйиб (ерга ёйса томири тупроққа қадалади) соф ҳаво ва ёруғлик (лекин қуёш тиғи эмас, куйиб қолади) таъсир этадиган жойга қўйилади. Ҳар куни сув севалаб турилса, 5—7 кунда таркибида диастаза ферменти бўлган ўсимта ва илдиз ҳосил қилади. Бунда янги унган донниг соф ҳаводан нафас олиши ва намланиб туриши муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳаво совуқ ёки жуда иссиқ бўлса, бундай жараён содир бўлмайди. Бинобарин, диастазанинг ҳосил бўлиши учун ҳавонинг ҳарорати 15 — 18 даража бўлган кунлар даркор. Бундай кунлар шу кеча-кундузда бўлиб, айни сумалакка дон ундирадиган пайтлардир (сумалакни баҳор ойларидан бошқа вақтда тайёрлаш мумкин эмаслигининг сабаби ҳам ана шунда).

— Сумалак овқатгина эмас, у шифобахш дори ҳамдир, — дейди табиб. — Унинг таркибида инсоннинг қонига ва лима суюқликларига жуда тез сўрилиб кетадиган моносахаридлар бўлади. Сумалак таркибидаги оқсил ҳам жуда нозик модда бўлиб, аъзойи-баданимиздаги миллиардларча ҳужайралар учун энг яхши озуқадир. Сумалакда яна бир мунча жавҳарлар ва В гуппасидаги ҳамда С белгили дармондорилар мавжуд.

Шу ўринда бир воқеани келтираман. 1936 йили баҳор ойларида Германиядан элимизга Эмерсон ва Эванс исмли икки олим ташриф буюради. Уларни сумалак билан сийлайдилар. Уларга манзур тушади ва бу таом буғдой ўсимтасидан пиширилган кисель эканлигини айтадилар. Ҳайрон бўлишади. Юртларига қайтгач, ҳар икки олим буғдойни ўстириб таркибини текширсалар, унда токоферолл борлигини аниқлайдилар. Бу модда нимранг, илашимли, ёғсимон бўлиб Е белгили дармондорининг ўзгинаси эди. Бундай дармондори «Ҳаёт илдизи» деб аталувчи дори—женшень таркибида учрайди. Токоферолнинг жажиб технологик хусусияти бор: яъни ёғда эрийди (сумалакка ёғ солинади) ва 170 даража иссиқликда ҳам ўз кучини сақлаб қолади, емирилмайди (сумалак 120 даража иссиқлик таъсирида пишади). Токоферолл ёки Е дармондорисининг шифолиги шундаки, у эркакларни наслсизлик касалидан ва аёлларни бевақт бола ташлаш офатидан асрайди.

Сумалак яна қон босимида энг яхши парҳездир, у қонни суюлтиради, сумалакни тўйиб еган кишининг уйқуси чуқур бўлади. Қаттиқ, ҳатто туш кўрмай ухлаганда одам енгил бўлиб туради, асаблари изтиробдан чиқади, мияси дам олади. Сумалак ҳар қандай ақлий меҳнат билан машғул олимларда, қариялларда ва кам ҳаракат қилувчи кишиларда тез-тез содир бўлиб турадиган қабзият касалида беқиёс фойдаси каттадир.

Карим МАҲМУДОВ, ТошДУ доценти.

МИЛЛИАРД ЙИЛЛАРГА САЁҲАТ

АЗАЛ-АЗАЛДАН гўзал табиатда маълум ўзгаришлар бўлиб келмоқда. Бундан юз минг йиллар илгари пастте-кисликлар ўрнида тоғлар, улар ўрнида эса ҳавза ёки кенгликлар пайдо бўлган. Инсоннинг шафқатсиз аралашуви эса табиатдаги жараёнларни тезлаштириб юборди. Оқибатда, кўп жойларда экологня бузилди, ўсимлик ва жониворларнинг турлари камайиб, «Қизил китоб»га ниритишга мажбур бўлдик.

«Ҳурмат белгиси» орденли жумҳурият табиат музейи аср билан юзлашган, дарга илмий-оқартув муассасаларидан бири ҳисобланади. Музейнинг асосий вазифаси жумҳуриятимиз табиатини анс эттириш, келажак авлоднинг бу борадаги билимларини чуқурлаштириш ва ўлка табиатини ўрганишда ўқув юртларига ёрдамлашишдан иборат. Ҳайвонот, ўсимлик, геология-география ва илмий-оқартув бўлимларида 39 минг дона гербарийдан иборат ботаника фонди, 500 мингга яқин ҳашарот нусхасини ўз ичига олган онтимология, шунингдек зоология ва геология фондлари жамланган.

Муассаса жумҳуриятимизда биринчи бўлиб табиатни намойиш қилишнинг ландшафт усулини ишлаб чиқди. Унда ҳар бир манзара борлиғича, ўз тупроғи, флора ва фаунаси билан ишонарли қилиб кўрсатилган. Бу эса ташриф буюрайтганларда катта қизиқиш туғдириши табиий. Музей залларида тўқайзор, адир, чўл, ёнғоқзор, арчазор, баланд тоғ зоналари ёрқин анс эттирилган. Тарихий-геология ва умумий биология залларида талаба ва ўқувчиларга шу ихтисосликлар бўйича кўргазмалар ёрдамида дарслар ўтилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш залида эса камайиб кетаётган ўсимликлар тергибот қилинаяпти. Бу ерга дорилфунун, педагогика ва политехника институтларининг талабалари, шаҳримиздаги мактаблардан ўқувчилар, шунингдек жумҳуриятимиз ҳамда хорижий мамлакатлардан меҳмонлар тез-тез келиб туришади. Уларга Т. Жўраев, С. Умарова, Ж. Каримов, А. Ҳамидов каби ходимлар ҳамроҳ бўлиб, тасвирланган манзараларни ҳикоя қилиб беришяпти.

Музей қошида кўчма музей ҳам бор. Кўргазмалар маданият саройлари, кинотеатрлар, маданият ва истироҳат боғлари, мактаблярда намойиш қилинаяпти. Шу кунларда музей Орол-пайғамбар, Қизилқум, Зарафшон, Нурота, Китоб ва бошқа қўриқхоналардан келтирилган экспонатлар билан бойитилмоқда.

— Муассасамизнинг аҳоли ўртасида тутган ўрни, бажарншн лозим бўлган вазифаси ниҳоятда катта, — деди музей директори А. Ҳайдаров. — Бироқ шароит етарли эмас, бино эски, замонавий талабга жавоб бермайди. Бу масалани бир неча бор Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги раҳбарлари эътиборига хавола этдик. Афсуски, эзгариш сезилмаяпти. Ходимларимизнинг маоши ҳам қониқтирмайди. Яшириб нима қилдик, кўпчиликнинки 75-80 сўмдан ошмайди.

Музейга келган киши 5 миллиард йил ичида ердаги ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради. Манзаралар табиат ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлишида яқиндан кўмаклашади. Бу эса мулоҳаза юритиш учун жуда муҳимдир.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.



⊙ **ИНЖЕНЕР ҚИЗ. «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи инженерларидан бири Ольга Кагирова.**

Т. Каримов сурати.

Ўнта бўлса—ўрни бошқа

ФОТИМА, ЗУҲРА ВА ЗАҲРО

— Уч фарзандли бўлдингиз, уччаловиям қиз. Чин дилдан табриклаймиз!..

Туғруқхонада доядан шу сўзларни эшитган Илҳомжон ҳаяжондан энтикиб кетди. Бу қандай бахт ахир, уч фарзанди бирданига олти нафар бўлса. У ўз қулоқларига ишонмасди.

— Катта қизимиз баҳор фаслида туғилгани учун исмини Баҳора қўйган эдик, — деди Фаридахон Йўлдошева. — Ҳозир у 1-синфга бораяпти. Буни қарангки, Фотима, Зуҳра ва Заҳролар ҳам баҳор, Наврўз айёмида дунёга келишди. Қувончли воқеадан нафақат ўзим, маҳалламиздагилар ҳам мамнун.

Шу кунларда шаҳримизга чегарадош бўлган Тошкент районидаги Навоий номли колхозда яшаётган бу оилани фарзандлар билан табриклаш учун кўпчилик ташриф буюрмоқда. Уч эгизак шифокорлар назоратида соғ-саломат ўсяпти.

Саъдулла ШОДИЕВ.

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

⊙ **Гидромелиорация техникуми М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси солистлари** билан қадимги ўзбек миллий музикасини техникум талабаларига тарғибот қилиш мақсадида олти программали суҳбатли-концерт намойиш этиш бўйича шартнома тузган эди. Бунга Х. Қодирова, Б. Мавлонов, Ш. Йўлдошев, О. Суярбоева, У. Суярбоевалар ташриф буюришлари белгиланди.

Куни кеча филармония артистлари ўзларининг учинчи концерт программаларини намойиш қилдилар. Филармония лектори Абдурашид Саидов ўзбек миллий музикаси, қўшиғи ва рақси ҳақида талабаларга маъруза ўқиди. Филармония артистлари техникум талабаларига яна уч бор концерт намойиш қиладилар.

Одил АБДУРАҲМОНОВ.

СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН РАСМЛАР

Пойтахтимизнинг Бош универсал магазинида харидорлар учун яна бир қулайлик яратилди. Савдо марказининг иккинчи қаватида Ўзбекистон етакчи рассомлари асарлари савдо-кўргазмаси ташкил этилди.

Намойиш этилаётган асарлар орасида турли усулларда бажарилган манзаралар, натюмортлар, кўп нусхада графика асарлар бор. Намойиш этилаётган асарлар хонадонингизни безаши шубҳасиз.

Баҳодир ОРИПОВ.

Суратли фельетон

ҚАЧОНГАЧА БУЙРУҚ КУТАСИЗ?

⊙ **«Оддий мисол: кўчаларимиз, ҳар хил идоралар, савдо тармоқлари, хуллас, ҳамма жойда кўзга ташланиб турадиган ёзувларимизни олайлик. Юз фоиз маҳаллий аҳоли яшаётган жойларда ҳали ҳам бу ёзувлар русча эканлигига нима дейиш мумкин! Ёки бунга ҳам бировлар юқоридан буйруқ бериб мажбур қилаяптими? Ахир бу кулгили ҳолку! Лекин бу кулгининг таги зил. Чунки бу маҳаллий аҳолининг миллий ғурури билан ҳисоблашмаслик демакдир. Натижада халқда норозилик туғилиши табиий».**


24 ФЕВРАЛЬ куни Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройида СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари, корхоналар ва муассасалар партия ташкилотлари, маҳалла ва уй-жой комитетлари, ўқув юртларининг вакиллари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов ўзининг маърузасида ана шу аччиқ ҳақиқатни тилга олиб ўтдилар.

Ҳақиқатан қизиқ-да. Давлат тили тўғрисида Қонун чиққанига анча бўлди. Аммо унинг моддалари жуда сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ҳақидаги Қонунининг 24-моддасида аниқ ва равшан ёзиб қўйилибди: «Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар тарихий обидалар ва бошқа жуғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади.

ССРдаги ва хорижий мамлакатлардаги барча жуғрофий номлар ўзбек миллий-тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўзбек тилида рақам этилади.

Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади».













Бас, шундай экан, қачонгача биз ғайритабиий ҳолда, саводсизларча ёзилган ёзувларга чидашимиз керак? Хўш, улар қачон ўзгаради? Қонуннинг 24-моддаси нега амалга оширилмаяпти? Редакциямизга келаётган хатларда муштарийларимиз ана шу каби тиғиз саволларни кўндаланг қўйишяпти.

Жумҳуриятимизни-ку, қўяверинг, биргина Тошкент кўчаларини айлансангиз, жуда ғалати ёзувларга, номлашларга, саводсизларча ёзилган турли белгиларга дуч келасиз. Навоий кўчаси шаҳарнинг энг гавжум кўчаларидан бири. Бу кўчага турли идора ва ташкилотлар жойлашган. Ана шу биноларнинг пештоқига қараб ажабланасиз. Жамоатчи суратчимиз Х. Мирзакаримовнинг диққатингизга ҳавола этаётган ана шу суратларига бир назар ташланг-а! Навоий кўчасидаги дўконлардан бирининг пештоқига «Книги» деб ёзиб қўйилибди. Наҳотки, уни «Китоблар» деб алмаштириб қўйиш шунчалик қийин бўлса? Навоий кўчасидаги соат магазини пештоқига ҳам «Часы» деб ёзиб қўйилган. Сал нари юрсангиз «Трикотажное ателье» деган ёзувга кўзингиз тушади.

Ана шу районлардаги мутасадди раҳбарлар, қолаверса шаҳардаги жойларга ном қўйиш комиссияси, борингчи, район Совети ижроия комитетлари бу муҳим ишга нега панжа орасидан қарашмоқда? Қачонгача улар қуруқ ваъда билан чекланишади?

Бозор — юртнинг жойи. Келдикетди кўп. Бироқ Қорақамишдаги бозорга кирар экансиз, унинг пештоқига ёзилган «Торговий комплекс Кара-камыш» деган ёзувга кўзингиз тушади. Шу лавҳани ўзгартириб қўйиш кишидан от билан туя талаб қиладими? Олой бозоридаги турли уруғлар сотувчи дўконнинг пештоқига ҳам «Семена» деб ёзиб қўйилибди. Унча-мунча одам бунинг нима эканлигининг фарқига ҳам бормайди. Қорақамиш бозорининг ичидаги дўконнинг дўнг пешонасига эса «Одежда» деб битилган.

Яна шаҳарнинг ўша марказий кўчаларидан бири — Навоий кўчасига қайтамиз. Октябрь район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 6-А магазинининг пешонасига ҳам «Самообслуживание» деб битиб қўйилган. Бундай дўконларнинг номлари алла-қачон «Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш дўкони» сифатида тилимизга кириб кетган. Афсуски, амалда бунинг аксини кўрасиз.

Бундай мисоллар жуда кўп. Айниқса, шаҳар савдо умумий овқатланиш, маиший хизмат шохобчалари бу борада яхшигина «хол» қўйишяпти. «Комиссионний», «Кафе Дияр кафеси», «Обувь», «Кафе...», «Ресторан» деган сўзлар ҳар қадамда учрайди. Э, воҳ, Наҳотки бу сўзларни ўзбекчалаштириб бўлмаса?!. Нима, тилимиз шунчалик қашшоқми?

Тўхтамурод ТОШЕВ.

Кўклам неъматлари

⊙ Баҳор келиши билан турли ўт-ўланлар бодроқдек униб чиқиб, борлиқни кўм-кўк либосга безайди. Уларнинг кўпи шифобахш бўлиб, кишилар бу ўсимликлардан айни пайтда сомса, манти ва бошқа таомлар тайёрлаб, ўз саломатликларини тиклаяптилар. Қуйида биз ана шундай табиат неъматларидан баъзиларини ҳавола этамиз.

ОТҚУЛОҚ

ОТҚУЛОҚ турлари кўп йиллик, бўйи 70—120 сантиметрга етадиган ўсимлик. Илдизлари тўпбарглардан иборат. Унинг таркибида турли фойдали дармондорилар, рутин, ошловчи моддалар ва антрагликозидлар бор. Халқ табобатида отқулоқдан тайёрланган дамлама ёки қайнатма ич кетиш, ичак яралари каби хасталикларда наф келтиради. Баргидан олинган шира қўтир, темиратки ва яраларни даволаш учун қўлланилади.

Илмий табобатда отқулоқ доривор препаратлари — дамлама, суюқ экстракти меъда-ичак (колит, энтероколит), қон аралаш ич кетиш каби хасталикларни даволашда ишлатилади.

МОМОҚАЙМОҚ

БУ ЎСИМЛИК йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, боғларда ўсади. Илдизолди тўпбаргдан ташкил топган бўлиб, барги ланцетсимон, патсимон кесилган. Гиёҳ илдизида тараксасин гликозиди, тараксерол, турли бирикмалар, динулин каби моддаларни сақлайди. Баргида эса дармондорилардан С, B_2 каротин бор.

Табобат илмининг даҳоси Абу Али ибн Сино қуритилмаган ўсимлик ширасини жигар касалликларини даволашда қўллаган. Гиёҳ илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама буйрак касаллигида, пешоб ва ўт ҳайдовчи, қонни тозаловчи, иштаҳа очувчи ва сурги дори сифатида яхши даво бериш хислати бор. Барг ширасини камқонликда, қувватсизликда, кўкрак оғриганда истеъмол қилиш тавсия этилади. Илдизининг сут шираси билан сўгаллар кетказилади. Шуниси қизиқки, французлар бу ўсимликни ўз боғларида экиб ўстирадилар.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Жозибадор ва илҳомбахш

⊙ Табиатнинг беқиёслигини тан олмоқ керак. Кишининг қанчалик соғлом, носоғлом бўлиши ҳаво, иқлим ва яшаш тарзига боғлиқ бўлади.

Абу Бакр РОЗИЙ.

⊙ Одамлар тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва Ер — одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

⊙ Одамнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғланган.

Абу Али ибн СИНО.

⊙ Мен мана шу табиат қўйнида туғилганим учун ҳам бахтлиман. Бунинг учун сендан миннатдорман, эй улуғ табиат! Сенинг бағрингда яшаш, сенинг илҳоминг билан ижод этиш нақадар завқбахш!

САРЯН.

⊙ Ҳар ким ўз турган ерини гулзор қилса, бутун олам гулга бурканади.

Антон Павлович ЧЕХОВ.

Кекса юрак мавжлари


БАҲОР

Навбаҳорни интизор кутар,
Инсон бор-ки азал-азалдан.
Баҳор тафти Ерни илитар,
Дилга олов тушар ғазалдан
Баҳор келса дилларга қувонч —
Кириб келар гул янглиғ енгил.

Ҳам тасалли, ҳам ором, юпанч,
Бу эҳсондан кечмагил кўнгил.
Зилол сувлар тошар ҳар баҳор
Дилда ғайрат ошар ҳар баҳор!
Олам яшил ва гулга тўла,
Ўзи шундай яшнар навбаҳор!

Қиммат ДЎСТМУҲАМЕДОВА.

ШАНБА ОҚШОМИДА



⊙ «ГУЛБАҲОР ЧИРОЙИ ГЎЗАЛ, ЮМУШЛАРИ ДИЛГА ОРОМ»

Зоҳиржон Ҳайдаров сурат лавҳалари.

Гулғунчалар

ДОСТОНЖОННИНГ ДОВРУҒИ

⊙ БУ ЁҚИМТОЙ бола билан суҳбатлашишни анчадан буён кўнглимга тугиб юрардим. Ниҳоят орзуимга етдим. Хонадон соҳиби Рустам ака мени илиқ кутиб олди. Бир пиёла чой устида Достонжоннинг магнит лентасига ёзилган қўшиқларию, ичак узди ҳангомаларини мириқиб эшитдик.



Омадимни қарангки, Достонжон ҳам эндигина мактабдан келиб турган экан. У болаларга хос хушнудлик билан:

— Дада, мана бугун ҳам менинг номимга бешта хат келибди, — деди.

Рустам ака бир даста хатларни қўлимга тутқазди. У Достонжоннинг истеъдодига тан бериб ёзилган хатлар эди... Уни ўқиб туриб Достонжонни саволга тутаман:

— Хатларга жавоб беришга улгуряпсизми?

— Ҳаракат қиляпман, —деди Достонжон. — Кўпайиб кетган пайтларида акам Қаҳрамон ва Санжарлар ёрдамлашяпти. Ҳозиргача юздан ортиқ хат олдим. Сурат сўрашган эди, адамлар фотостудияга бориб суратимни кўпайтириб келдилар.

— Ўқишлар қандай?

— Яхши. Яқинда октябрятлар сафига ўтдим. Мактабимизда ўтказилган «Алифбе» байрамида акаларим билан концерт қўйиб бердик. Ҳамма хурсанд. Айниқса синф раҳбаримиз Озода опа Муслимова мени жуда қадрлайдилар.

— Уста санъаткорларимиздан тожикистонлик Ҳожибой Тожибоев, наманганлик Рустам Ҳамроқулов, қўқонлик Муҳиддин Дарвешев, Ҳамза номли театр актёрлари Турғун Азизов, Ғани Аъзамовларнинг овозига тақлид қилишни қандай ўргандингиз?

— Уйимизда ўша устозларнинг овози ёзилган магнит лентаси бор. Уни тинглаб қайта-қайта машқ қилишимдан бўлса керак.

— Кекса санъаткорлар бундан хафа бўлишмаяптими?

— Билмадим-у, Наби Раҳимов «Менинг овозимга қачон ўхшатасан?» деб бошимни силаб қўйганлар...

Достонжоннинг сўзларини дадаси давом эттирди:

—Оиламиз санъаткорлар оиласи. Мен ҳам устоз, ҳам бувамиз. Асқар ота Убайдуллаевдан тарбия олганман. У киши созанда ва ҳофиз эдилар. Ўзим 20 йилдан буён таниқли санъаткорлар Фахриддин Умаров ва Ҳожиакбар Ҳамидовнинг доирачисиман. Шу билан бирга Октябрь район, Й. Охунбоев номидаги Пионерлар уйида ёш доирачиларга устозлик қиламан. Уч ўғлим бор. Қаҳрамон Глиэр номидаги мусиқа мактабида ўқийди. Санжар билан Достон Киров районидаги 253-мактабда таълим олишади. Санжар ҳам доирачилик сирларини ўрганяпти. Достонга келсак бир воқеа. Беш ярим ёшлар пайти эди. Ўзбекистон телевидениеси Фахриддин ака ҳақида фильм-концертни суратга олиш жойини аниқлаш учун Чорвоққа кетаётган эдик. Машинани мен бошқариб кетаётгандим. Бир пайт «ўғлим, бир ашуладан ол», дедим. У куйлади. Шунда режиссёр Мирсоат ака ва Тамара Тешабоевалардан фикр туғилди: «Фильм-концертда Фахриддин аканинг ёшлигини кўрсатишга Достонни оламиз», деб қолишди. Шу-шу... «Майсаранинг иши», «Камолот-89», «Қизиқчи-89»да конкурсдан ташқари қатнашди. Шоир А. Обиджон асари асосида яратилган «Шарқ бозори» спектаклидаги ёш Насриддин ролида чиқди. Яқинда шаҳримизда «Ромэн» — Москвадаги лўлилар театри коллективи хайрлашув концерти берди. Машҳур «Ти милая» қўшиғини театрнинг бадиий раҳбари, СССР халқ артисти Николай Сличенко ва Достон биргаликда гитарада айтишди. Достоннинг «Ота» билан елка учиришлари ҳаммани завқлантирди.

Қайтишда Достон ўқийдиган 253-мактабга кириб ўтдим. Директор Шоира Мамадалиева билан суҳбатлашдим. У ҳам Достонжон ҳақида анчагина илиқ гаплар айтди.

— Достон мактабимизнинг 1-«В» синфида ўқийди. У жуда хушфеъл. Гаплашсангиз гаплашгингиз келади. Фикримча улкан анжуманда узлуксиз қатнашиш ўқувчи психологияси ва саломатлигига таъсир қилади. Бундай ноёб истеъдодларни эҳтиёт қилишимиз керак. У ҳали ғунча. Авайлаб ўстирсак халқимизга кўп хизмат қилади. Ҳақ гап. Бундайларни асрашимиз даркор. Чунки Достоннинг ҳаёти энди бошланяпти.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

Муштарийлар мактубларини ўқиб

Афсонами ёки ҳақиқат?

Кейинги пайтда вақтли матбуотда учар лиқопчалар тўғрисида, қандайдир ғайриташий одамлар ҳақида тез-тез мақолалар босиладиган бўлиб қолди. Эшитишимизча, лиқопчаларда келаётган одамларнинг кўзлари учта, қулоқлари тўртта эмиш. Ҳар бир халқнинг тилини билар экан. Ҳали у ерга, ҳали бу ерга тушибди, деган узунқулоқ гаплар, миш-мишлар кўп кишиларнинг кўнглига ваҳима солмоқда. «У дунёдан» келаётганлар нима ўзи! Илтимос, шу ҳақда маълумот беришингизни сўраймиз.

И. ИБРОҲИМОВ,
Фарғона областининг Бағдод районидаги 21-ўрта мактабининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Ана шу мазмундаги хатларни жуда кўп оламиз. Муштарийлар фақат бундай саволлар билан эмас, балки шахсан ўзлари ана шу учар лиқопчаларни ва унда келган одамларни кўрганликларини ҳам ёзиб юборишган.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда чет эл ва совет матбуотида ўзга сайёралардан ерга меҳмон бўлиб келаётган самовот одамлари тўғрисида тез-тез мақолалар чоп этиладиган бўлиб қолди. Жумладан, «Труд», «Комсомольская правда», «Известия», «Ўқитувчилар газетаси», «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи» газеталарида Киев, Воронеж, Пермь, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳудудларида яшовчи айрим кишилар ўзга сайёрадан ташриф буюрган лиқопчасимон объектларни кўрганликлари ва ҳатто самовий меҳмонлар билан ҳамсуҳбат бўлганликлари ҳақида хабарлар босилди. Уларда турли фикрлар, қарашлар, фаразлар айтилди. Уларни мутахассислар шарҳлаб бердилар. Биз ҳам бугун редакциямизга газетхонлар томонидан юборилган хатлар билан сизларни таништириб ўтамиз.

«Тўғриси мен табиий фанлар ўқитувчиси бўлганлигим учунми бундай мақола ва хабарларга ишончирамай юрардим. Яқинда ғалати меҳмонлар билан шахсан ўзим мулоқотда бўлдим. — деб ёзади Урганч шаҳридаги А. Иброҳимов номли ўрта мактабнинг география фани ўқитувчиси Р. Ҳайитов. — Биринчи марта бундай ғаройиб объектни 1989 йилнинг 24 август куни Хонқа районидаги «Хоразм» колхозида истиқомат қилувчи қизимнинг хонадонида соат кеч 23.00 да кўрган эдим. Чамаси 140—150 метр баландликда худди икки лиқопчани бир-бирига тўнтариб қўйганга ўхшаш нарса осмонда муаллақ тураверди. Унинг белбоғида ялтироқ чироқлари бўлиб, диаметрининг кенглиги 5—6 метргача келарди. 1989 йил 17 октябрдан 18 октябрга ўтар кечаси эса Урганч шаҳар Наримонов номли кўчадаги хонадонимизда ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлдик. Кумуш ранг либос кийган чиройли аёлсифат одам, — давом эттиради муштарий, — туркча талаффузда «Ассалому алайкум» деб қўлларини юзига тортди. Бехитиёр мен ҳам шундай қилмоқчи бўлганимда «Сенга шарт эмас» деди.

Хат охирида ўша аёлсифат меҳмон дастурхон устидаги нон ва чойнакни кўрсатиб, «Бу нима?» деб сўрайди. Сўнгра меҳмон чойнакдаги чойни ўз идишига қуйиб, нонни саккиз буклаб клёнкали халтасига солади...

Агар келаётган хат ва матбуотнинг бу борадаги хабарларини умумлаштирадиган бўлсак, улар тилимизни, одатимизни, ҳатто «Правда» газетасида чоп этилган мақоладан келиб чиқадиган бўлсак, сиёсий воқеаларимиздан ҳам хабардорлар-у, аммо нима еб-ичишимиздан бехабар эканликлари кишини таажжубга солади.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 12 ноябрь сонида эълон қилинган «Ёзёвонда учар лиқопча» мақоласида ҳам ўзга сайёралардан келган одамлар, офтобда қуритиб қўйилган бодомни кўрсатиб «Бу нима? Одам шуни ейдими?» деб сўраган.

Қашқадарё область, Ойнақул қишлоғида яшовчи Ҳ. Товқанаева қуйидагича ёзади.

«Бизнинг чегараларимизда минг-минглаб километр масофадаги ракета ва самолётларни илғай оладиган аппаратураларимиз шундай каттакон ярқираб, нур сочувчи лиқопча ва сандиқларни, наҳотки сезишмаган бўлишса? Бундан чиқди, бизнинг замиримиз ўша лиқопчаларда келган одамлар айтганидек, жуда орқада эканда. Нима учун улар ўзбек ерига тушишса, ўзбекча, рус ерларида эса русча гапиришади? Нима учун биз шуларни атрофлича ўйлаб кўрмай тарғибот қиляпмиз. Балки бу ривожланган капиталистик мамлакатлар томонидан юборилаётган робот-компьютерларининг ҳар қандай тилни секундлар ичида таржима қиладиган машиналаридир. Улар бизнинг фан ютуқларимиз, қолаверса, қайта қуриш қай йўсинда олиб борилаётганлигини синовдан ўтказишаётган бўлишса-чи?»

«Матбуот саҳифаларидаги бу борадаги турли хабарлар халқни тобора ваҳимага солиб қўймоқда. Айни шароитда иқтисодий танқисликдан қийналаётган одамларимиз маънавий томондан ҳам эзилиб бормоқдалар-ку», — деб ёзади В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси М. Иброҳимов. Наҳотки, шу ҳодисаларга ишониб бўлса? Кўплаб олимларимиз бу нарсани инкор этдилар-ку!»

Ана шу мазмундаги хатлар жуда кўп. Маълумки, халқимизда «Кўрқанга қўша кўринади» деган гап бор. Алабатта, ғайритабиий воқеаларни қаламга олган азиз муштарийларимизнинг ҳаммасини ваҳимачи ёки уйдирмачига чиқариб қўйиш ниятимиз йўқ. Шу билан бирга, аввалги пайтлардагидек, «бу бўлмаган нарса, вассалом», деб қўл силтаб қўйишнинг ўзи ҳам камлик қилади. Фикримизча, коинот сирлари билан шуғулланувчи идораларнинг мутахассислари оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилишиб, бор гапни аҳолига очиқ айтсалар ёмон бўлмасди. Ёки уларга ҳам аниқ фотосуратлар, таққосланган, кўп марталаб ҳаёт чигирикларидан ўтган далиллар керакми? Шу бўлган ғалати ҳодисалар мушоҳада юргизишга асос бўлолмайдими? Эҳтимол, маълум даврлар ўтгач, «учар лиқопча»лар, биз учун жумбоқ бўлиб турган сирли воқеалар ҳақиқатга айланар. Ҳозирча улар бизга эртак, афсона, ҳаёл, уйдирма туюлаётир.

Ҳа, М. Иброҳимовнинг куюниб ёзганича бор. Бизнингча, олимларимиз ана шу масалада бир неча йиллардан бери давом этиб келаётган баҳсли мунозарага ўзларининг тегишли баҳосини берсалар, ана шу жумбоқлар устида жиддий иш олиб борсалар ёмон бўлмасди.

Комила СУЛТОНОВА тайёрлаган.



Биз илгарилари «Энг, энг, энг...» деган сўзларни мақолаларда ўқирдик. Ўзбекистоннинг мутлақ натижалар китоби бизга албатта керак. Унда жумҳуриятимизда рўй бераётган рекорд натижалар, ҳайратли янгиликлар, турли маълумотлар қайд этилади. Жамоатчиликнинг, илм аҳлининг иши — бу!

Қайси ёзувчи кўп китоб ёзган? Қайси дарё энг катта-ю, қайсиси энг кичик? Буларга тўғри ва аниқ жавоб ёзиш кифоя. Менимча китоб номи «Энг катта, энг кичик» деб аталса... Шошилмасдан воқеалар жамланиб китоб ҳолига келтирилса энг зўр китоблардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Шундай қилиб, мен ҳам билган маълумотларимни ёзиб юборяпман: (Ўзбек совет қомуси ва вақтли матбуот материалларидан фойдаландим).

⊙ Ўзбеклар ичида биринчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони андижонлик (запасдаги кичик лейтенант, 1917 йилда туғилган) Қўчқор Турдиевдир. У жанглардаги жасорати учун СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 14 майдаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

⊙ «Ҳурмат белгиси» ордени билан биринчи марта пахта теримида ёрдамлашган пионерлар — Эшон Қодиров ва Ҳавохон Отақуловалар 1930 йилларда мукофотланишган.

⊙ СССР халқ артисти унвонига ўзбек санъаткорлари ичида биринчи бўлиб 1937 йил май ойида Ҳалима Носирова сазовор бўлган.

⊙ Ўзбек тилида биринчи марта чиққан босма китоб Ш. Иброҳимов томонидан тузилган «Календарь» бўлиб, 1871 йилда нашр этилган.

⊙ «Ленин учқуни» — жумҳуриятимизда ЭНГ кўп нусхада нашр этиладиган рўзномадир. У ҳозир 1 миллион 8 минг нусхада тарқатилади. Унинг биринчи сони 1929 йил 1 августда Самарқандда (3000 нусхада) чиққан. 1931 йилдан Тошкентда ҳафтада икки марта нашр этила бошлади.

⊙ Шамсирўй Ҳасанова ўзбек хотин-қизларидан чиққан биринчи мусаввирдир (1917—1956). У СССР Рассомлар уюшмаси аъзоси эди. Мусаввир Шарқнинг Рафаэли — Беҳзод миниатюраларини тўрт йилдан зиёд ўрганади ва ниҳоят Нодира, Мутриба, Меҳри, Увайсий портретларини нафис рангларда ифодалайди.

⊙ 1978 йилда қурилган Тошкент телеминораси Париждаги Эйфель минорасидан ҳам баланд бўлиб, Осиёда ягона ҳисобланади, Москвадаги Останкино телеминорасидан кейин Иттифоқда иккинчи ўринда туради, баландлиги 375 метр. Пойдеворининг ўзига 10 минг кубометр бетон ҳамда темирбетон ётқизилган.

⊙ Ўзбекистонда, қолаверса ўрта Осиёда ЭНГ катта меҳмонхона — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси бўлиб, у 1000 га яқин меҳмонни қабул қила олиши мумкин. И. А. Мерпорт ва Л. Ч. Ершов лойиҳаси асосида қурилган ушбу меҳмонхона 17 қаватли бўлиб, 10 гектар майдонни эгаллайди. 1974 йилда ишга тушган.

Анвар МИРЗАЕВ.

Маданият янгиликлари

СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Павел Петрович Мартановнинг расмларида тасвирланган манзаралар жуда ҳилма-ҳил. Уларда серқуёш Ўзбекистоннинг сержило кўринишлари ва шимолдаги совуқ тасвирланган манзаралар намоён этилган. Мусаввир асарлари кўргазмаси Ўзбекистон тасвирий санъат музейи залларида очилди. Саёҳатларга нишқибозлик, оламни ўз кўзи билан кўриш ва унинг гўзаллигини одамларга намойиш қилиш истаги муаллифнинг ижодий йўналишини белгилаб берди. Рассом бир неча бор Сирдарё ва Амударё соҳилларини бошдан-оёқ кезиб чиққан. Узоқ Шарқ денгиз кемачилиги экспедициялари таркибида у Шимолий денгиз йўли бўйлаб сузган, Антарктида соҳилларига борган. Бу сафарларнинг ҳар бири манзаралар туркумига асос бўлган.

* * *

Энвер Желилович Арифовнинг «Фронт орти коменданти» китобида тошкентликларнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонона меҳнати тўғрисида, мамлакат учун оғир даврларда юз минглаб қочоқларни ўз бағрига олган Ўзбекистон аҳолиси ҳақида ҳикоя қилинади. Бу китобни Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётининг қрим-татар редакцияси нашр қилди. Бир неча йил мобайнида ўзи шаҳарнинг ҳарбий коменданти бўлган муаллиф ҳужжатли-публицистика жанрида ўша вақтдаги Тошкент ҳақида ҳикоя қилади. Китобнинг кўпгина саҳифалари турли миллат кишилари ўртасида боғланган дўстлик ришталари мавзуига бағишланган.

Бўлган воқеа

ТЎРТТА БЎРИГА БАС КЕЛГАН АЙҒИР

БУТУН умри йилқи боқиш, қимиз ичиш билан ўтган Маматқул бобо 80 ёшдан ошганларида ҳам юзлари қип-қизил, ажинсиз эди. Энг муҳими, у киши бирон марта ҳам касал бўлмаганлар, «их» деб йўталганларини ҳеч ким эшитган эмас. Маматқул бобо ўта мерган киши эдилар. Бизга отлар ва бўрилар ҳақида ҳикоялар айтиб берардилар.

Маматқул бобонинг гапларига қараганда, бўри ҳеч қачон отнинг орқасидан ҳужум қилмас экан — отнинг «темир чўқмори» ўзида. Отга олд томондан ҳужум қилиш ҳам хатарли. Бўри отни фақат ҳийла билан қўлга туширар экан. Бўри йилқига яқинроқ келиб, итга ўхшаб думини лиқиллатиб ўйноқлар экан: шунда тажрибасиз ёш тойми, ғунонми, «ит»ни ҳидламоқчи бўлиб, бўйнини эгса бас, тумшуғидан маҳкам тутиб, от орқага тисарилиши билан қўйиб юборар экан, от ўмбалоқ ошиб йиқилди дегунча қорнини ёриб ташлар экан.

Маматқул бобо кўпинча йилқиси билан яйловда тунаб қолар эдилар. Бир кун ҳаддан ташқари кўп ёмғир ёғибди. Уюрни тайинли бир жойга қўйиб, уйларига келиб ётибдилар. Маматқул бобо эрталаб хабар олгани келсалар, уюрдаги Қуранг айғир барча бияларни баланд қоя тагига тўплаб, ҳали у томонга, ҳали бу томонга чопар эмиш. Яқинроқ келиб қарасалар, тўртта бўри тўрт томондан йилқига ҳужум қилаётган эмиш, айғир эса қулоғини чимириб олиб ҳали бу бўрини, ҳали у бўрини қувиб кетар эмиш. Қуранг айғир Маматқул бобони кўриб: «Бизни газандалардан қутқаринг!» дегандай кишнаб юборибди. Бўрилар одамни кўриши билан жуфтакларини ростлаб, тумтарақай қочибди. Қарангки йилқи бут, биялар ёш қулунларни ўртага ўраб олган экан.

— Бўри битта бўлса от унга олдинги оёқлари билан сапчиб, орқа оёқлари билан тепиб, чил-парчин қилиб ташлаши ҳеч гап эмас, — дедилар Маматқул бобо. — Ёш қулунларни кўрган бўрилар ҳар томондан ҳужум қилавериб, тонг отгунча айғирни ҳолдан тойдирган экан. Қурангнинг баданидан кўтарилган қуюқ буғ шундан шоҳидлик берарди.

— Йилқига милтиқсиз келганимга ўшанда роса пушаймон қилдим, — дедилар Маматқул бобо афсус билан. — Милтиғим бўлганида бир-икки бўрини ер тишлатардим... Айғирим жасорат кўрсатганига шукурлар қилиб, унинг ёлларини силаб-сийпаладим.

Суюн ҚОРАЕВ.

ХАЙРЛИ ИШ

⊙ ТОШКЕНТДА «Китоб банки»нинг очилиши қўпчилик эътиборини ўзига тортди. Банк фондини турли қизиқарли адабиётлар билан бойитишдек хайрли ишга мусиқа санъатининг кўзга кўринган вакиллари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга киришдилар.

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг бир гуруҳ педагоглари турли мусиқа дарслиги, қўлланмаси ва нота ёзувларини «Китоб банки»га ўтказиш истагини билдирдилар. Санъатшунослик доктори Т. Соломонова, доцент А. Юргаев ва бошқа педагоглар ўз шахсий кутубхоналарида сақланаётган мусиқа санъатига доир адабиётлардан бир нечтасини ҳадя этдилар.

Истеъдодли бастакор А. Мансуров ҳам ҳиммат кўрсатди. Совға қилинган нашрлар орасида болалар учун ёзган энг яхши асарлари нота-ли намуналари ҳам бор.

Саодат ОДИЛОВА.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Телепрограммалар

5 мартдан 11 мартгача

Душанба, 5

● УзТВ I

17.30 «Дахлсиз миллар». Телефильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Сеҳрли қуш». Қўғирчоқ фильм.
18.15 Болалар учун. «Болалигим — гулбаҳор».
18.45 «Инсон ва табиат».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Санъат олами. «Мўйқалам соҳиблари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Воҳа қўшиқлари». Мусиқий программа.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Долзарб интервью.
22.20 ЎзССР халқ артисти Камолиддин Раҳимов куйлайди.
23.20 Янгиликлар.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

19.05 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Меҳнат» (Тошкент) — «Спартак» (Волгоград).
19.35 «Энг секинюрар поезд». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси).
20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Телегид таклиф этади...» (рус тилида).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Шерине».
23.00 «Фарзандлар даври». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Футбол шарҳи.
9.35 «Шарлоттанинг маржони». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»).
10.40 «Зубр билан ёнма-ён». Машҳур совет генетик олими А. Тимофеев-Ресовский ҳақида илмий-оммабоп фильм.
12.15 Бизнинг мерос. «Рус санъатининг юз йиллиги».

* * *

16.30 «На-деж-да». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Уфа).
16.50 «Бекинмачоқ ўйнаймиз». Қадимий ўйинларнинг тикланиши ҳақида.
17.20 СССР халқ артисти П. Нечепоренко ва балалайкачилар унисони чалади.
17.35 Болалар соати (француз тили дарси билан).
18.35 «Хатларингиз асосида».
18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Футбол шарҳи.
20.05 М. Булгаков. «Мастер ва Маргарита». К. Маркс номли Саратов академик драма театрининг фильм-спектакли. Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Мастер ва Маргарита». Фильм-спектаклининг давоми.
23.45 «Фотомадонналар ва «АнтиСПИД». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Мўлжалланган ҳамма нарса...». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ»).
9.35, 10.35 Физика. 10-синф. Халқ хўжалигида электроника.
10.05 Итальян тили.
11.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Севгисига содиқ», «Юлия Вревская ҳақида хотира», «Вақт».
11.35, 12.35 Биология. 7-синф. Кичик биродарларимиз ҳақида.
12.05 «Сиз яратган боғ».

*

13.05 «Етти шамол» қанотида». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудияси).
14.45 «Ашар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Фрунзе шаҳри).
15.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Скапеннинг найрангларн». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Грузия-фильм»).

* * *

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Узаро қўлаб-қувватлашнинг кучи» (Чита).
18.00 Енгил атлетика. Европа чемпионати. Шотландиядан кўрсатилади.
18.45 Бутунроссия конкурсининг лауреати Сергей Лукин чалади (домра).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Константин Сергеев. Хореография саҳифалари». Телевизион мусиқий фильм.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».
20.45 А. Бардина чалади (гитара).
20.55 Футбол. СССР чемпионати. «Арарат» — «Спартак». Ереванда кўрсатилади.
22.50 МТ хазинасидан. «Сўнгги ташриф». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси).

Сешанба, 6

● УзТВ I

11.30 «Бугун манежда», «Шаҳарга масҳарабоз келибди». Цирк программаси.
12.30 «Энг секинюрар поезд». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Узоқ йўлдаги учрашув». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун. «Онажоним — меҳрибоним». Адабий-мусиқий композиция.
18.30 «Узбек тилини ўрганамиз».
19.00 «Деҳқон юмушлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Хотира». Адабиётшунос Отажон Ҳошимов ижоди ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Андижон шаҳар «Сумалак» рақс ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Экран таништиради...». Кинокўрсатув.
23.10 Янгиликлар.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

19.05 «Китоб дўстлари». Телеальманах (рус тилида).
19.45 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
20.50 «Темирчи». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Хотиржамлик йўлида».
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Сирена». Жиноятчиликка қарши кураш.
22.20 «Чеҳраи ҳунар». Кинорежиссёр Юнус Юсупов.
23.20 «Нарзанлар водийси». Телефильм.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Алёнушка ва солдат». Мультфильм.
9.30 «Шарлоттанинг маржони». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.35 «Бу бўлган... бўлганди...».
10.50 Киноафиша.
11.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 Студиямизда М. Воскресенский (фортепьяно).
16.55 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Афсонага айланган кишилар» туркумидан ҳужжатли фильмлар: «Разведкачи Николай Кузнецов», «Қамалдаги шаҳарлик қиз».
17.15 О. Меликов асарларидан концерт.
18.05 «Нима қанча туради? Гап сўзлар». Илмий-оммабоп фильм.
18.15 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Ёшлар хабарномаси. «Музейга ўхшамайдиган музей» (Свердловск шаҳри).
19.55 «Мержан» ансамбли ижросида қримтатар лирик қўшиқлари.
20.10 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Вера» («Экран»). Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.15 «Севги сеҳри». Зураб Соткилава куйлайди.
23.15 Сиёсий мулоқотлар. «Эстонияда нималар бўляпти?».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Ойимтилла». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Физика. 11-синф.
10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 География. 7-синф. Жаҳон океани.
12.05 «Уй академияси».

*

13.05 Тарихий фильм. «Севги ва қиролича». В. Гюгонинг «Мария Тюдор» пьесаси асосида (ГДР телевидениеси).
14.45 Ритмик гимнастика.
15.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Скапеннинг найрангларн». 2-серия.

* * *

17.30 «Пиф-паф, ой-ой-ой». Мультфильм.
17.50 «Биродарлар юринг, пичан ўрамиз». Вильнюсдан кўрсатилади.
18.30 Ритмик гимнастика.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қизғанчиқ Кузя».

Чоршанба, 7

● УзТВ I

11.30 География. Евроосиёнинг ҳозирги давр ландшафтлари.
12.00 «Табиатнинг бебаҳо инъоми», «Хотира шаршаралари». Телефильмлар.
12.30 Умумий биология. Биогеоценозлар ва уларни муҳофаза қилиш.
13.00 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Бир умрга тенг рақс». Ҳужжатли фильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қўшнилар». Қўғирчоқ фильм.
18.15 «Қувноқлар даврасида». Болалар боғчалари тарбияланувчиларининг чиқиши.
18.45 «Ахборот» (рус тилида).
19.00 «Рақслар гулдастаси». Концерт.
19.30 «Ахборот».
19.55 Москва. **Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Иқбол». Қизлар конкурс программаси.
23.35 Янгиликлар.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

19.05 Болалар учун. «Звездочка» (рус тилида).
19.35 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
20.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод».
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Мин киял». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.00 «Жоогазин». Байрам программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали (Венгрия).
9.35 «Шарлоттанинг маржони». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.40 «Дунё бўйлаб». Альманах.
11.40 Кичик концерт.
11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Иванушка яшаган экан». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
17.00 Хорижий рус маданияти. «Ёзувчи Е. Максимов ҳузурида меҳмонда».
18.00 «Қўшиққа бахшида умр». РСФСР халқ артисти Александра Стрельченко.
18.40 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Нина».
19.55 **Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Сиз бунга қодирсиз». А. Дерябиннинг янги даволаш усули ҳақида.
22.45 «Оперетта, оперетта».
24.00 «Эфирда мусиқа».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Мардлик соати», «Бахтиёр бўлиш санъати».
9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11-синф. Иш юритиш ва ЭҲМ.
10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Мусиқа. 5-синф. А. П. Бородин мусиқасида паҳлавонлар образи.
12.10 «Иссиқ нон». Илмий-оммабоп фильм.

*

13.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Қирқ ёшда ҳам ҳали орзу қилишади». Телезизион бадиий фильм (ГДР).

* * *

17.00 Болалар учун фильм. «Етидан ўн иккигача» («Мосфильм»).
18.15 СССР халқлари VII қишки спартакиадаси. Конькида югуриш спорти. Киевдан кўрсатилади.
18.45 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қуённикида ҳовли тўйи».
22.00 «Иллюзион». «Чочара». Бадиий фильм (Италия).

Пайшанба, 8

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Рўшона Султонова рақсга тушади». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
10.25 «Нодирабегим». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
11.55 «Қизлар мушоираси». Адабий кўрсатув.
12.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оналарга таъзим». Тошкент шаҳар Октябрь районида яшовчи аёллар билан учрашув.
13.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дил торларин чертиб...». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган кўрсатув.
14.45 «Санъат усталари». ЎзССР халқ артисти Турсуной Жаъфарова.

* * *

17.20 Кўрсатувлар программаси.
17.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Яхши совға».
18.10 «Нафосат». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган программа.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Сурхондарё вилояти Ленин йўли районидаги «Кўнғирот» фольклор ансамбли ижро этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 Юлдуз Усмонова куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Аёл меҳри оламни безар..». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам программаси.
23.50 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

19.05 «Узбек балети хорижда» (рус тилида).
19.50 «Санников ери». Бадиий фильм («Мосфильм»).
21.20 «Индамас». Ҳужжатли фильм.
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Боз як барномаи чавони».

● МТ I

8.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
8.45 «Оҳирги қўён». Мультфильм.
8.55 Жаҳон халқлари ижоди.
9.25 «Циркни ҳамма севади».
10.00 «Шаҳрим куйи». Фильм-концерт премьераси («Экран»).
10.30 Болалар учун фильм. «Кичик отанинг саргузашти» (М. Горький номли киностудия).
11.35 «Хорда куйловчилар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»).
12.25 П. И. Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал» балети.
15.20 «Катталар ва болалар». Дам олиш программаси.
16.20 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
16.50 Смоленск рус халқ оркестрининг концерти. Танаффус пайтида — Ҳужжатли фильм.
18.50 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Канададан кўрсатилади.
20.05 «Қоплон учун уй». Мультфильм.
20.15 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Дуся».
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Ҳинд киносининг мухлисларига». Икки серияли қисқа метражли фильм-концерт.
23.00 «54 ёшга тўланимда». Телевизион бадиий фильм («Экран»). Премьера.
00.25 «Рақслар, рақслар, рақслар...». Кишиневда бал рақслари профессионал ижрочиларининг Бутуниттифоқ чемпионати.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 СССР Давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри чалади. Дирижёр — СССР халқ артисти В. Федосеев.
9.10 Ритмик гимнастика.
9.40 Ополда поляк қўшиқлари фестивали (Польша).
10.25 Синхрон сузиш. «Советская женщина» журналининг соврини учун халқаро мусобақалар.
11.10 «Оила» телепрограммаси.
12.55 Л. Гурченко бенефиси.
14.10 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
14.15 Баскетбол. Корач кубоги. Эркаклар. Ярим финал.
15.35 Бутунроссия конкурсининг лауреати Юрий Прохоров чалади (баян).
15.40 «Укам учун дори-дармон». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.50 «Нон-стоп». Мультконцерт.
16.20 «Китнинг тишини қандай суғуриб олиш мумкин». Телевизион бадиий фильм.
17.50 «Дадамни қандай қилиб йўлга солса бўлади». Телевизион бадиий фильм (Чехословакия).
19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кутичадаги саёҳат».
22.20 «Нон-стоп» программасининг давоми. «Биз аёллармиз». Мультфильм; «Хушрўй йигит». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серияллар; «Мен эъзозлаб яхши кўрадиган детектив». Телевизион бадиий фильм.

Жума, 9

● УзТВ I

9.00 «Фасли баҳор ёдингдами?». ЎзССР халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.

*

10.00 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
11.10 «Қалбингда халқ оҳангларини эъзозла». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
11.40 «Бўстон». Тележурнал.
12.45 «Покланиш йўлидан». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз.
13.15 «Баҳс». Андижон вилояти Балиқчи ва Олтинкўл районлари қизларининг конкурс программаси.

* * *

17.25 Кўрсатувлар программаси.
17.30 «Хризантемалар боғи». Мультфильм.
17.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.20 «Қадрият».
18.50 «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Алифбо сабоқлари». 4-кўрсатув.
20.20 «Узбекистон дея аталур». Манзарали фильм («Узбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қалбим баҳори». ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Ўғилой Муҳамедова рақсга тушади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Одобнома».
22.15 Экранда — кинокомедия. «Нофелет қаерда?» («Мосфильм»).
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

19.05 «Дўстлик» программаси (рус тилида).
20.05 «Серқуёш ўлкада». Ҳужжатли фильм.
20.40 «Объективда — қайта қуриш». Тошкент авторемонт корхонасининг муаммолари ҳақида (рус тилида).
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 К. Мирзоев. «Қадри модар», «Гушвор». Теленовеллалар.
22.45 «Тирик қолишга ҳаракат қил». Бадиий фильм.

● МТ I

8.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
8.50 «Сиз яратган боғ».
9.20 «Уй академияси».
9.50 «Болалар рассомлари қаерда бўлади?».
10.30 «Ҳайвонот оламида».
11.30 Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.50 Режиссёр Г. Козинцев фильмлари. «Пирогов». Бадиий фильм («Ленфильм»).
13.35 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Канададан кўрсатилади.
14.55 «9-студия».
15.55 «Аёл бўлиш осонми?». Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
17.55 Останкино концерт студиясида оилавий болалар уйларининг ташкилотчилари Мусатенко ва Богатиревлар оилалари билан учрашув (Омск шаҳри).
19.15 «Қуён магнитофон топиб олди». Мультфильм.
19.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Офтобда очилган гунчалар» (КХДР).
19.45 «Ўйинчилар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Новосибирск).
20.15 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Зина».
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.20 «Нигоҳ».
23.50 «Сан-Ремо-90» фестивали.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Ола-сингиллар». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.30 «Қум соат». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
11.00 «Қўшиққа бахшида умр». РСФСР халқ артисти Ирма Яунзем.
12.10 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
12.40 «Осиё овози». Эстрада ёш ижрочилари халқаро конкурси ҳақида. 1-қисм. Олмаотадан кўрсатилади.
14.00 «Тунда оқ отларда». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Баҳодир». Бадиий фильм (Венгрия).
18.40 «Босоножка ва унинг дўстлари». Мультфильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Презентация-2». Сатирик ёзувчи А. Трушкиннинг янги китоби таништирилади.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
20.45 «НЛО. Эълон қилинмаган ташриф». 1-қисм.
21.30 Гандбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Чехословакиядан кўрсатилади.
22.45 Мамлакат театрлари намойиш этади. Л. Матуковский. «Донолик ўлчови». Я. Купала номли белорус драма театрининг спектакли.
Тунги сеанс
23.40 «Кўклам келяпти, кўклам марҳабо...». Киноконцерт.
00.25 «Мсье Перришоннинг саёҳати». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»).

Шанба, 10

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Чорраҳа». Жумҳурият автоҳўжаликларида қонунбузарликнинг олдини олиш.
10.30 «Хивача ажрим». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
11.00 «Алифбо сабоқлари», 4-кўрсатув.
11.30 «Сирли сандиқ». Йўлдош Охунбобоев номли жумҳурият Еш томошабинлар театрининг спектакли.
12.35 Спорт программаси. 1. Сузиш. «Комсомолец Узбекистана» газетасининг соврини учун. 2. «Шоҳруҳ» клуби.
13.35 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Учрашув». Телевизион миниатюрадар («Узбектелефильм»).
14.45 «Чорвадор» программаси.
15.15 «Уқитувчи кадрлар масканн».
15.50 «Она қўшиғи». Телефильм.
Тижорат видеоканали
16.10 «Иш ўнгидан келганда...». Сирдарё шоли заводи коллективининг иш тажрибаси ҳақида.

*

16.45 Кўрсатувлар программаси.
16.50 «Гуллар шаҳрида яшовчи миттивойлар». Қўғирчоқ фильм.
17.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
17.55 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Фрунзедан кўрсатилади.
18.55 «Узбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Хотира». Садир Зиёвутдинов ижоди ҳақида.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Оқшом эртаклари».
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.00 «Рақс — дўстлик элчиси». Мусиқий программа.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 Абдулла Қаҳҳор. «Тобутдан товуш». Телевизион спектакль. 1 ва 2-қисмлар.
12.55 «Шафқатсиз романс». Бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).

* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
16.00 Кўрсатувлар программаси.
16.05 «Уйинчоқлар сири». Мультфильм.
16.15 Реклама.
16.30 «Байка». Бадиий фильм (рус тилида).
17.55 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси.
18.55 «Фан ва техника». Киножурнал.
19.05 «Қирғизистон олтини». Казарман «Макмалзолото» комбинати ҳақида.
19.20 Ҳужжатли телефильм.
20.00 «Мезгил».
20.30 «Юз йил ўтди». Фильм-концерт.
21.00 «Азиз-чини аралаш».
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Байлики жаздин гулдору ай...». Тугагач — «Клиника». Бадиий фильм.

● МТ I

8.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
8.45 Спорт ҳамма учун.
9.00 Ритмик гимнастика.
9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 Оила экрани. Қисқа метражли бадиий фильмлар: «Малла, малла» («Ленфильм»), «Бугун ким йўқ?» («Беларусьтелефильм»). Премьера.
13.45 «Дунё бўйлаб». Альманах.
14.45 «Здоровье».
15.30 «Мусиқий киоск».
16.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.15 «Марафон-15».
18.45 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Эркин рақс. Канададан кўрсатилади.
20.15 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Наташа».
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Абадият ҳақида ўйлар.
22.15 «Телескоп».
22.30 Хоккей. СССР чемпионати. «Химик» — МАСК. 2 ва 3-даврлар.
23.40 «Сан-Ремо-90» фестивали.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Салом, баҳор». Фильм-концерт премьераси (Киев).
9.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Кутб ортидаги уй» (Тюмень).
9.40 «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»).
11.10 Мультфильмлар: «Хўжа Насриддин». 1 ва 2-фильмлар (Тошкент), «Сендан фақат кўзёшлар» («Экран»).
11.40 СССР халқларининг VII қишки спартакиадаси. Конькида югуриш спорти. Киевдан кўрсатилади.
12.10 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. «Ташвишлар, денгизлар ва қичкинтойлар ҳақида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Саратов).
12.35 «Осиё овози». Эстрада ёш ижрочилари халқаро конкурси ҳақида. 2-қисм. Олмаотадан кўрсатилади.
13.05 «Тунда оқ отларда». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.35 «Ҳаёт қўшиқ билан». Минскдан кўрсатилади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Биз яшаётган дунё». Режиссёр П. Коган фильмлари. «Юзига қаранг», «Синфлар» («ЛСДФ»).
20.10 Новороссийск камер оркестри. Краснодардан кўрсатилади.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кемача».
20.45 «НЛО. Эълон қилинмаган ташриф». 2-қисм.
21.20 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Киев). 2-тайм.
22.10 «Сураткаш». Телевизион бадиий фильм. «Деррик» сериясидан (ГФР телевидениеси). Премьера.

Якшанба, 11

● УзТВ I

17.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Скрипкада ўйнашни орзу қилган паҳлавон». Мультфильм.
18.15 «Мушоҳада». Оилавий болалар уйлари ҳақида.
18.50 «Сув — ҳаёт манбаи». 2-кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Насиба». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 Танбур ва дутор тароналари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Шароф Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи?». Видеоспектакль.
23.30 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
10.00 «Хивача ажрим», «Подолянка». Фильм-концерт.
11.00 «Шафқатсиз романс». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Шунингдек, цирк ҳам». Телефильм.
18.50 «Китобчанинг викторинаси».
19.30 «Телетомошабин ҳамроҳи».
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 Борис Нататиев куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Лейтенант Некрасовнинг айби». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Чакалакзорда». Мультфильм.
9.25 «Спортлото» тиражи.
9.40 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Вера».
10.55 Ёшлар хабарномаси. «Депутатлар мактаби».
11.25 «Кинопанорама».
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

17.00 Болалар учун фильм. «Қизча отасини излайди». Бадиий фильм («Беларусьфильм»).
18.30 «Икки қалб». Анжела Чумак куйлайди. Кишиневдан кўрсатилади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.50 «Пульс-90». Биз ва экономика.
20.30 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. Эркин программа. Канададан кўрсатилади.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Сайлес Марнер». Телевизион бадиий фильм (Буюк Британия телевидениеси).
23.30 «Мезон». «Либераллар ва консерваторлар» мавзуида адабий баҳс. 1-кўрсатув.
23.50 «Қўшиқнинг туғилиши». Минскдан кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15, 12.05 «Ғилдиракда самога». Илмий-оммабоп фильм.
9.45, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. Хушфеъл бўлсам.
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Тарих. 8-синф. Н. М. Карамзин — рус тарихчиси.

*

13.05 «Капалакнинг парвози». Телевизион ҳужжатли фильм.
13.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Оддий нарса ҳақида ҳикоя» («Ленфильм»).

* * *

17.30 «Утмиш ҳаёлимда». Севги ва оилавий бахт ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
18.00 Жан Тер-Меркерян чалади (АҚШ). А. Хачатурян. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. Ереванда кўрсатилади.
18.45 Мультфильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Вертикаль». «Кўзларимга бир қара». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. В. Шукшин ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида («Экран»).
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Хрюша — халоскор».
20.35 Бородин номли Давлат квартетининг концерти.
21.35 Гандбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Финал. Чехословакиядан кўрсатилади.
22.45 И. Архипова ҳамда СССР Давлат телерадиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — В. Андропов.
23.45 Спидвей. Жаҳон чемпионати. Финал. Швециядан кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 02609.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.